Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 17 январь, чоршанба • №5 (11.290) • Эркин нархда сотилади

# ЭЪТИРОФ

### Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди

15 январь куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Москва Давлат университети ректори Виктор Садовничий Давлатимиз раҳбарига мазкур унвонни тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз Президенти бу унвонга Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантириш ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ислом Каримов эътирофи ва кўрсатган ҳурмати учун москвалик олимларга миннатдорлик билдирди.

В.Садовничий Ўзбекистонда янги авлод тарбияси, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар россиялик олимлар, таълим соҳаси мутахассислари томонидан юксак баҳоланаётганини таъкидлади. «Биз сизни келажак авлодлар учун катта ғамхўрликлар қилаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида ҳурмат қиламиз, — деди у. — Хусусан, Ўзбекистонда сиз бошчилигингизда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳақиқатан ҳам, катта эътиборга молик ҳужжатдир».

Россиянинг энг йирик ўқув маскани бўлган Москва Давлат университети халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Шу боисдан универститетнинг фахрий профессор ёки докторлиги унвони дунё миқёсида обрў қозонган илм-фан, маданият ва сиёсат арбобларига берилади. Мазкур илм даргоҳининг фахрий профессорлари рўйхатида оламга машҳур адиб И.Гёте, Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру, АҚШ Президенти Б.Клинтон, Украина Президенти Л.Кучма каби машҳур шахслар борлиги бунинг ёрқин далилидир.

**(ЎзА).**



## БУ ЙЎЛЛАР...

*Холиқовлар сулоласи меҳр қўйган касб – йўлсозлик. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Содиқ Холиқов ҳам шу эъзозли касб эгаси. У бу ҳунарни падарибузруквори 1930 йилларда Термиздан ўтадиган катта ўзбек тракти қурилишида ишлаган Холиқ Бобоевдан ўрганган.*

*Ота изидан боришга аҳд қилган Содиқ ака 1961 йилда Қўқон автомобил йўллари қурилиш техникумини, кейинчалик эса Тошкент автомобил йўллари институтини сиртдан ўқиб, тамомлади. Шундан буён меҳнат фаолияти мобайнида мамлакатимизда олиб борилган кўпдан-кўп йўл қурилишларида тер тўкди. Қашқадарё, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятларида 15 километрдан зиёд кўприк ва юзлаб километр йўлларни бунёд этишда, уларни таъмирлаш ишларида қатнашди. Содиқ ака 1999 йилдан бошлаб Қамчиқ довони қурилишида фаол қатнашаётган «Махсусавтойўлтаъмир» трестига бошчилик қилмоқда.*

*Бутун умрини ардоқли касб – йўл қурилишига бахш этган Содиқ Холиқов устозлари Абдуҳамид Қаюмов, Анатолий Кузалёв, Саъдулла Зиётов, Ғани Қадамов, Рустам Юнусовлар билан ғурурланса, айни пайтда ўзи тарбиялаган шогирдлари билан фахрланади. Ҳа, Ҳамроқул Жалилов, Одил Бобоев ва бошқа йигирмага яқин шогирдлари ҳозирда мамлакатимиздаги турли қурилиш ташкилотларида меҳнат қилмоқдалар.*

*Содиқ ака саккиз фарзанднинг отаси. Энг қувончлиси улардан тўрт нафари ота изидан кетдилар. Катта ўғли Соҳибжон, қизлари Нигора, Дилафрўз, Нилуфарлар йўлсозлик касбига меҳр қўйиб, элда иззат топаётирлар.*

*Содиқ Холиқовнинг мамлакатимиз равнақи учун қилган хизматлари, шунингдек, Қамчиқ довони қурилишидаги фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланиб, у ўтган йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.*

*Моҳир йўлсоз ва у раҳбарлик қилаётган бунёдкорлар жамоаси янги-янги довонларни забт этиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.*

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

## АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Замонавий раҳбар билимли, изланувчан, интилувчан, ташаббускор, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан салоҳиятли бўлиши керак.***

Зеро, бошқарув тизимидаги раҳбарларга одамлар ўз тақдирини, келажагини, мамлакат истиқболини, юрт фаровонлигини ишониб топширган. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини теран англаган, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишлар мазмун-моҳиятини ҳис қилган фидойи раҳбаргина ўз олдига қўйилган вазифаларни бекаму кўст уддалай олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туман ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иккинчи гуруҳи учун ўтказилаётган семинар-мунозаранинг дастлабки кунлари ана шулар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Тингловчилар миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш, давлат қурилиши ва бошқаруви жараёнларини эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш асослари, иқтисодиётни эркинлаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳаза юритиб, бу борада ўзларини ўйлантирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Ўқув дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Т.Рисқиев, В.Голишев, Бош вазир ўринбосарлари Т.Холтоев, Р. Азимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Халқ таълими вазири Р.Жўраев ва бошқалар машғулотларда маъруза қилди.

Семинар-мунозара давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




Инсон ҳаётидаги оламшумул лаҳзалар унинг умрини чароғон этиб, ҳамиша яшашга, яратишга ундаб туради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган, тақвимларимизда алоҳида белгилаб қўйилган кун — 1992 йил 8 декабрь ана шундай алоҳида санадир.

Конституциямизни ўрганиш эса аввало ўзимизга берилган ҳақ-ҳуқуқларни чуқур англаш демакдир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган инсон эса асло қоқилмайди. Қомусимизни мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида дарс сифатида ўқитила бошланиши бу фикримизнинг далилидир.

Газетамиз таҳририяти муштарийларимиз, барча қизиққанлар учун «Қомусимиз — бахтимиз» рукни остида сиртқи дарслар ташкил этмоқда. Унда Конституциямизнинг ҳар бир моддасини содда ва лўнда тарзда шарҳлаб борамиз. Дарсларни таниқли ҳуқуқшунослар, файласуфлар олиб борадилар.

**Газетамизнинг учинчи саҳифасида биринчи сабоғимизни ўқийсиз.**

*Таҳлил*

## КАМЧИЛИКЛАР ЮТУҚЛАР СОЯСИДА ҚОЛМАСИН

***«Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоятимиз саноатида ўзига хос мавқега эга бўлган корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг жамоаси қўлидан чиқаётган турли-туман резина буюмлари халқ хўжалигининг қатор тармоқларида фойдаланишга, айримлари эса истеъмол бозорига мўлжалланган.***

Бу корхона ишчи-хизматчилари зиммасидаги вазифа анча масъулиятли эканлигидан ҳам далолат беради. Чунки, унинг бирор соҳасидаги оқсаш бирлашма билан ҳамкорлик қилаётган бошқа корхона ишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шунинг учун резинатехникачилардан ҳар қандай шароитларда ҳам бир маромда ишлаш талаб қилинади. Буни чуқур хис қилган ишчи-хизматчилар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, иш вақтидан самарали фойдаланишга, тармоқ корхоналаридаги илғор тажриба ва технологияларни ўрганиб, ўзларида ҳам жорий қилишга интилмоқдалар. Ҳамкор жамоалар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишяпти. Бу йўлдаги изланишлар, саъй-ҳаракатлар бесамара қолмаяпти.

Буни товар маҳсулотини солиштирма нархларда ишлаб чиқариш бўйича ўтган йили қўлга киритилган натижада ҳам кўриш мумкин. Ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 211,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 119,3 фоизни ташкил этди.

Жамоа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам анча ортиғи билан бажарди. Режа сал кам 175 фоиз қилиб адо этилди. Истеъмол бозорига етказиб берилган бундай маҳсулот ҳажми 2 миллиард 900 миллион сўмликдан ортиқ бўлди. Автопокришкалар ишлаб чиқаришда ҳам оз бўлсада олдинги йилдагига қараганда силжиш бўлди. Буюртмачиларга 4 минг 190та шундай эҳтиёт қисм етказиб берилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатишдаги ютуқлар ҳам чакки бўлмади.

Йил давомида деярли 4 миллион сўмлик шундай юмуш бажарилди. Бу олдинги йилдагидан 55,3 фоиз кўпдир.

Корхона маъмуриятининг ўтган йили бирлашмани акциядорлик жамиятига айлантириш ва шу муносабат билан чет эл инвесторларини жалб қилиш соҳасидаги фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айниқса, хорижий сармоядорлардан шериклар излашдаги саъй-ҳаракатлар корхонада қатор янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга йўл очмоқда. Бу масала бўйича учта лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Словакиянинг «Матадор» фирмаси ва немисларнинг «Унионматекс Индустрианлаген ГмБХ» фирмаси билан шиналар ишлаб чиқариш учун лойиҳа келишилмоқда. Иккинчи шундай лойиҳа ҳар йили 15 минг тонна пайвандлаш электродларини тайёрлаш бўйича яратилмоқда. Уни барпо этишда Туркия фирмаси ва Европа қайта қуриш ва ривожлантириш банки иштирок этмоқда. Уни қўшма корхона қилиш назарда тутилмоқда. Учинчи лойиҳа эса гидроскопик (тиббиётда ишлатиладиган) пахта ишлаб чиқаришга ихтисослаш қўшма корхонани яратишга қаратилган. Бундай қўшма корхоналарни барпо этиш учун ишлаб чиқариш майдонлари тахт қилиб қўйилди. Хорижий инвесторлар иштирокида яна тўртта лойиҳа тайёрланяпти. Бирлашманинг улар асосида яратиладиган янги тармоқлари халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлаши билан аҳамиятлидир.

Бирлашма жамоаси ва раҳбариятининг ўтган йилдаги ишларида бундай муваффақиятлар қатори айрим камчиликлар ҳам содир бўлди. Чунончи, муҳим маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда белгиланган режанинг бажарилиши таъминланмади. Бу харидоргир калишлар, турли қолипли резинатехника буюмлари, линолеум тайёрлашда юз берди. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор. Бозор иқтисодиёти шароитида хом ашё таъминотидаги қийинчиликлар кўп жиҳатдан шунга олиб келганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Лекин таъминотчи шериклар билан ҳамкорлик алоқалари йил бошидан пухта йўлга қўйилганида жамоанинг меҳнат натижаси янада салмоқли бўларди. Калиш ишлаб чиқариш олдинги йилдагига нисбатан деярли 40 фоиз ортган бўлса ҳам йиллик режа 91,8 фоизда қолиб кетди. Бозорларимизни эса узоқ ва яқин чет эл мамлакатларида тайёрланган шундай оёқ кийимлари тўлдирмоқда. Фуқаролар уларни анча қимматга сотиб олишга мажбур бўлишмоқда. Шундай экан, бундай буюмни ишлаб чиқаришни барча чоралар билан кенгайтириш, белгиланган режанинг адо этилишини таъминлаш лозим.

Линолеум ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичларни қайд қилгинг ҳам келмайди. Йил давомида 32 минг квадрат метр шундай қимматли ашёни қурилишларга, савдо шоҳобчаларига етказиб берилиши керак эди. Амалда эса бор-йўғи 2,2 минг квадрат метр тайёрланди ва режа 6,9 фоиз бажарилди. Қолипли резинатехника буюмлари эса 83 тонна ўрнига 21,7 тонна ишлаб чиқарилди. Албатта бу «Ўзбекрезинатехника» сингари бақувват корхона шаънига яхши бўлмаса керак. Бирлашмада етарли малакали ишчи кучи, мутахассислар, ишлаб чиқариш негизи бор, ҳамма гап таъминотга бориб тақалади. Демак, бу соҳа билан жиддий шуғулланиш талаб этилади.

Бирлашмада маҳсулот қолдиғи ҳажмини камайтириш юзасидан ҳам етарли ишлар олиб борилмаяпти. Натижада корхона айланма маблағининг анчагина қисми бекор, ўлик бўлиб ётипти. Бундан эса на бирлашма жамоасига, на давлатга наф бор. Фақат зарар келтиради, у. Ваҳоланки, бу маблағ қанчадан-қанча фойда келтирган бўларди. Шунинг учун ҳам корхона маъмурияти тайёр маҳсулотларнинг сотилмасдан келаётган ҳажмини камайтириш учун барча чораларни кўриши лозим. Бунинг учун бозор талабини ўрганиш, мижозлар имкониятларини ҳисобга олиш, рекламани кучайтириш ва бошқа шу каби ташкилий ишларни кенгайтириш керак.

Республикамиз Президенти идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг шу йил 11 январда бўлиб ўтган мажлисида шундай деди:

**«Биз бугун орттирган тажрибамизга таяниб, қўлга киритган ютуқларимизни танқидий баҳолаган ҳолда ...иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида изчил боришимизни давом эттиришимиз зарур».** Бирлашма жамоаси ва маъмурияти шунга амал қилсалар эришаётган меҳнат муваффақиятлари янада салмоқли бўлади.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг иқтисодий шарҳловчиси.***

## ВАТАН САРҲАДЛАРИ МУҚАДДАС

***Республикамизда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. 14 январь куни Ўртачирчиқ туманида «Ватан сарҳадлари муқаддасдир» мавзусида бўлиб ўтган вилоят тадбири ҳам ана шулар сирасига киради.***

Вилоят ҳокимлиги, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими ҳамда Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тадбири бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимининг раҳбари С. Қурбонқулов, вилоят «Ватанпарвар» бошқармаси бошлиғи А. Ваҳобов, Ўртачирчиқ тумани ҳокими муовини Ё. Турсунов ва бошқалар мустақил Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янгиланиш жараёни ҳақида гапирдилар. Айни вақтда бизга бундай имконият ва тараққиёт йўлини берган истиқлолимизни, она юртимизни кўз қорачиғидек асраш, қадрига етиш, ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Ушбу тадбир спорт мусобақаларига, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги концертга уланиб кетди. Шу куни спорт мусобақаларида ғолиб чиққан бўлажак Ватан ҳимоячиларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## ҲАМИША ҚЎШИҚ ЯНГРАСИН

***Мингдан ортиқ томошабин шу йилнинг 11 январь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида вилоятимиз санъаткорлари ва бадиий ҳаваскорлари иштирокидаги катта концерт дастурини мириқиб томоша қилдилар.***

Вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кечада 2000 йил давомида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ўтказилган «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳамда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловларининг ғолиблари ўзларининг ҳисобот концертларини намойиш этдилар.

Томошабинларда, айниқса, «Қаҳрамон» карнай-сурнайчилар гуруҳи, «Бинафшахон» болалар дастаси ҳамда ўзининг қўшиқлари билан халқимизга манзур бўлаётган Музаффар Тўлаганов, Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниев, Муҳаббат Абдураҳмонова, Дилноза Исмияминова сингари иқтидорли санъаткорларнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди. Ташкилотчилар бундай концерт дастурларини ва қўшиқ танловларини 2001 йилда ҳам давом этажаклигини маълум қилдилар.

## ХУСУСИЙ АВТОБУС, УНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ БОРМИ?

Ҳурматли таҳририят!

Ишбилармонлик туфайли йўловчи ташийдиган автобуслар кўпайиб, транспорт хизматида қулайликлар яратилди, дейишади. Аслида шундаймикин?

Бошқа йўналишларда қатнайдиган автобуслар хизмати қандайлигини билмайману, (аксарияти шундайлигига имоним комил) мен қатнайдиган Назарбек йўналишидаги -163, -171, -189, -190 рақамли автобусларнинг деярли ҳаммаси хусусий бўлиб, уларнинг пешлавҳасида **«Автобус хусусий — ойлик, чипта ва гувоҳномалар ўтмайди»**, деб ёзиб қўйилган.

Бу хусусий автобуслар ҳайдовчилари ва пул йиғувчилари биз — уруш ногиронлари, меҳнат фахрийлари бўлган кексаларни камситиб «Ё пулини тўлайсан, ёки автобусдан тушиб кет», деган қўпол (ҳатто, ҳақоратли) сўзлар билан ҳафа қилишади.

Яқинда 171-йўналишдаги «774-АК-10» рақамли автобус ҳайдовчиси ва пул йиғувчиси билан бўлган можаро ушбу хатни ёзишга мени мажбур қилди.

Биз уруш қатнашчилари ва ногиронлари жуда оз қолганмиз. Бизларга ғамхўрлик қилиш муҳтарам Юртбошимизнинг чиқарган фармонлари билан мустаҳкамланган бўлишига қарамай, неварам тенги болалардан ҳақорат ва таҳқирлаш эшитишга мажбур бўлдим.

Наҳотки, хусусий автобусга рухсат берганлар пул қувиб биздек нотавонларнинг ҳисобига бойишни мўлжаллаган бўлсалар?! Ахир муомала ҳам шундай бўладими?

Хусусийлаштириш ишини дунё андозаларига мослаштириш яхши. Аммо, бу давлат сиёсати, қонун-қоидаларини инкор қилиш, дегани эмас-ку.

Бундай бедодликларга йўл қўйиб берган раҳбар тўраларнинг маънавияти ва маданиятини йўловчилар қандай баҳолайдилар. Хусусий машина эгаларию пул йиғувчиларнинг биз кексаларга муносабатларига сиз нима дейсиз?

***Тоҳир САЛИМОВ, уруш ва меҳнат фахрийси.***

*Куюнчак газетхон мактуби*

*ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарам газетхон! Уруш ва меҳнат фахрийси Тоҳир ота Салимов кўтарган ҳолат билан танишдингиз. Таассуф билан айта оламизки, бундай ачинарли воқеалар фақат Назарбек йўналишидагина эмас, вилоятимизнинг бошқа йўналишларида қатнайдиган хусусий автобусларда ҳам тез-тез рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас.*

*Хўш, бундай воқеаларнинг бўлиб ўтишига ким айбдор? Ҳа, булар фақат бизнинг лоқайдлигимиз туфайли, менга нима қабилида иш тутишимиз оқибатида содир бўлаётир. Охир-оқибатда кексаларимиз, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, невараси тенги болалардан дакки эшитади, дили ҳуфтон бўлади.*

*Ўйлаймизки, вилоятдаги бу ишга мутасадди бўлган идоралар бунга бефарқ қолмайдилар.*

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

## АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

***Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида тақдим қилинган ҳужжатларни, шунингдек, депутатликка номзодларни тегишли сайлов округидан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, сайлов комиссияси қарор қилади:***

***«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ кўрсатилган қуйидаги депутатликка номзодлар рўйхатга олинсин:***

| Сайлов округининг сони ва номи | Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва турар-жойи | Депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи |
|---|---|---|---|
| 20-«Бўка» | Раҳматуллаев Анвар | 1947 йил, партиясиз, Бўка тумани, марказий шифохона бош шифокори, Бўка шаҳрида яшайди | Халқ демократик партияси |
| 23-«Искандар» | Аширбаев Ташмат | 1946 йил, Халқ демократик партияси аъзоси, Бўстонлиқ тумани 125-автокорхона директори, Бўстонлиқ туманида яшайди | Халқ демократик партияси |
| | Назаров Лазиз Анварович | 1968 йил, Фидокорлар миллий-демократик партияси аъзоси, «Ғазалкент» очиқ акциядорлик фирмаси бошқаруви раиси, Тошкент шаҳрида яшайди | Фидокорлар миллий-демократик партияси |
| 48-«Чиноз» | Абдураҳимов Ўткир | 1948 йил, партиясиз, Чиноз тумани ҳокими, Тошкент шаҳрида яшайди | Ҳокимият вакиллик органи |
| 50-«Истиқлол» | Гаппаров Алишер | 1949 йил, Халқ демократик партияси аъзоси, Юқоричирчиқ тумани ҳокими, Зангиота туманида яшайди | Ҳокимият вакиллик органи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси М. МАНСУРОВ.**

2001 йил 13 январь.

# СИЗОТ СУВИ ЭКИННИНГ ШЎРИ

**бўлганлиги учун Қуйичирчиқ туманида бу йил ерости сувларини қўчириш мақсадида барпо этилган канал, зовур ва хўжаликлараро йирик ариқларни чуқурлаштириш, кенгайтириш, керакли жойларда янгиларини очишга жиддий киришилди**

БУ БЕЖИЗ эмас, албатта. Маълумки, коллектор-дренаж тармоқлари ишдан чиққан жойда деҳқончилик ҳам издан чиқади. Шўр ерости сувлари юзага кўтарилиб, экинларнинг «тинкасини қуритади». Қуйичирчиқ туманида айнан шундай ҳолат юзага келди. Шу боис бир вақтлар пахтачиликда байроқдор бўлган туманда кейинги йилларда ҳеч бўлмаганда режани қоплайдиган даражада ҳосил олишнинг иложи бўлмаяпти.

Туманнинг экин майдонлари Чирчиқ дарёсига туташ ерларда жойлашган. Яъни ерости сувлари қўшни туманларга нисбатан анча юза. Бунинг устига захни қочиришга хизмат қиладиган сув иншоотлари кўпдан бери тозаланмай, тартибга солинмай, ташлаб қўйилган. Оқибатда ерости сувлари кўтарилиб кетди. Иллатнинг боши айнан шу муаммода эканлигини тўғри тушунган туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари бу масалани тубдан ҳал этишга жиддий эътибор қаратди.

Аввало, туман ҳудудидаги ҳамма каналлар, йирик ариқ-зовурлар, қолаверса, майда суғориш шахобчаларининг бугунги аҳволи ҳокимлик назорати остида мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Сўнг сафарбар этилиши мумкин бўлган мавжуд техника воситалари сони, кўкламги экиш пайтигача қанча иш бажариш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилиниб, шунга мувофиқ аниқ режа тузиб олинди. Жумладан, 55 километр узунликдаги хўжаликлараро каналлар, 45 километр хўжаликлараро ва 115 километр ички зовурлар ҳамда 75 километр ички суғориш шаҳобчаларини механизация воситалари ёрдамида тозалаш режалаштирилди. Эрта кузданоқ жадал бошлаб юборилган ушбу мелиорация ишлари ҳамон режа асосида давом эттирилмоқда.

— Бошқармамиз тасарруфида анчагина техника бор, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Раҳматали Худойназаров. — Масалан, 6та экскаватор, 2та бульдозер, шунингдек, МТЗ-82, К-700, ер кавлайдиган ва тупроқ сурадиган мосламаларга эга «Белорус» тракторлари ҳамда ағдарма юк машиналари мавжуд. Аммо режаланган ишларни тўла бажариш учун булар камлик қилади, албатта. Шунинг учун қўшимча имкониятларни излаб топиб, ишга солаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳозирги кунда каналларни, майда-йирик ариқ-зовурларни тозалаш ва тартибга келтириш ишларига 21та экскаватор, 11та «Белорус» мослама трактор жалб этилган. Туман бўйича белгиланган ушбу тадбирларнинг тез ва соз бажарилишига бошқарманинг 40 нафарга яқин мутахассис-вакиллари бош-қош бўлиб турибдилар.

Пухта ўйланиб, бор имкониятлар ҳисобга олиниб, аниқ режа асосида бажариладиган ишнинг пировард натижаси ҳамиша самарали бўлади. Мана, ерларнинг захини қочиришга қаратилган ҳамма ишлар режадагидек бажариляпти. 55 километр узунликдаги хўжаликлараро каналларнинг 40 километри 10 январгача тозаланиб, тартибга келтириб қўйилди. Бу режадаги ишнинг 70 фоизидан кўпроғи бажарилди, деган гап.

Хўжаликлараро ва ички зовурлар ерости сувларининг сатҳини зарур маромда ушлаб туришни таъминлайдиган асосий иншоотлардан ҳисобланади. Шу боис уларни тозалаш, қайта тиклаш тадбирларининг тезу соз бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунгача хўжаликлараро зовурларнинг 30 километри, ички зовурларнинг эса 80 километри қўлдан чиқарилди. Режалаштирилган ишнинг қолган 30 фоизи ҳам кўкламги дала ишлари бошлангунча бемалол бажарилади. Юқорида айтганимиздек, жами 400 километр узунликдаги ички ариқларнинг 75 километри механизмлар ёрдамида тозаланмаса бўлмайдиган аҳволга келиб қолган эди. Ҳозир ана шу ариқларнинг 65 километри тўла тартибга келтириб бўлинди. Бу «Белорус» мосламали тракторлардан унумли фойдаланилаётгани самарасидир.

Айни кунларда тумандаги ҳар бир хўжаликда ички суғориш шахобчаларини тозалаш учун оммавий сафарбарлик эълон қилинган. Ҳар бир пудратчи ўзига қарашли ариқларни тезроқ мавсумга тайёрлаб қўйиш учун бутун оила аъзолари билан биргалашиб иштирок этмоқда.

Захни қочириш ва суғориш шахобчаларини тартибга келтиришда қатнашаётган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги бўлимлар, участкалар, шунингдек, экскаваторчи, бульдозерчи ва бошқа механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Жамоалар ўртасида Иван Солосин бошлиқ иккинчи ва Александр Селиверстов раҳбарлигидаги тўртинчи участка вакиллари пешқадамлик қилишяпти. Механизаторлар ўртасида эса Рисқибек Содиқов, Сергей Козодаев, Эркин Бутанов, Ўроз Содиқов каби тажрибали экскаваторчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***





*СУРАТЛАРДА: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Раҳматали Худойназаров экскаваторчи Ўроз Содиқовга топшириқ бераётган пайт.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

*Замона мулкдорлари*

# «ЮЛДУЗ» ШУЪЛАСИ

***ПЎЛАТ АСРОРОВ қалбида фермерликка ҳавас уйғониб, нияти амалга ошгач, хўжалигига яхши ният билан «Юлдуз» деб ном берди ва ўз фаолиятининг биринчи кунианоқ жамиятга кўпроқ наф келтиришга жазм этди. Бу мақсадга эришишнинг бирдан-бир йўли энг аввало, жамоадошларининг қалбига йўл топиш ва шу асосда уларнинг кундалик ҳаёти, туриш-турмушларидан хабардор бўлиш, деб билди.***

Фермернинг одамийлиги, меҳр-оқибати, турган гапки, жамоадаги ҳар бир кишининг қалбини яшнатади, қувнатади, касбига садоқатини оширади, ишга бўлган иштиёқини кучайтиради. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг бутун маҳоратлари, тажрибаларини аямай меҳнат қилишга одатланишган. Оқибатда хўжалик иши юришгандан юришаверади. Ўтган йилги натижалар бу фикримизни тасдиқлайди. 25 гектар ерга экилган ғалланинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олинди, режа анча ортиғи билан бажарилди. Жамоа аъзоларининг омбори донга тўлди. Уларга 22 тонна ғалла тарқатилди. 40 гектар ерга экилган пахтадан 108 тонна ўрнига 114 тонна юқори сифатли ҳосил олинди.

Фермер одамларнинг дастурхони тўкин бўлиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилади. Уларга озроқ майдонга бўлса ҳам қовун-тарвуз, сабзавот экиб олишлари учун изн беради. Шунингдек, икки гектарлик майдонда боғ-роғ ташкил этилган. Ўтган йили мева ҳосили ниҳоятда мўл бўлди. Уни сотишдан олинган соф фойданинг маълум қисми жамоа аъзоларига мукофот тариқасида улашилди.

— Янги йилдаги режаларингиз қандай?

— Бу йил ҳам пахта етиштириш устуворлик қилади.

Шунда мен «Айрим фермерлар негадир пахта экишдан ўзларини олиб қочадилар, ҳатто, бўнак пули олсалар-да, уни экмай, давлатни, эл-юртни алдамоқчи бўладилар» деган фикрни айтдим.

— Бу гапингизда жон бор, — дейди у, — лекин бизда бундай ҳолат сира рўй бермаган. Ахир пахта асосий бойлигимиз бўлиб келган-ку! Қолаверса, биз пахта экиб кам бўлмаяпмиз. Сифатли ҳосил топширганлигимиз учун ундан олаётган фойдамиз икки-уч ҳисса ортаяпти. Мана, янги йил ҳисобидан ҳам 35 центнер юзасида шартнома тузиб қўйдик. Унинг бажарилиши учун ҳозирдан замин яратяпмиз.

Бу йил ғалла ҳосилдорлигини, албатта, 50 центнерга етказамиз. Бунинг учун асос бор. Эккан ғаллаларимиз яхши ривожланяпти. Биринчи ишловдан, биринчи озиқлантиришдан аллақачон чиқариб қўйганмиз. Хуллас, янги йилда ўтган йилда етолмай қолган марраларимизга, ниятларимизга, албатта, етамиз. Одамларимизнинг аҳди ана шундай.

Фермерлик — айримлар ўйлагандек инсоннинг кўпроқ ўз манфаати, ўз тирикчилигини ўйлаш учун берилган имконият ва имтиёз эмас. Бу имкониятлар эл-юртнинг манфаати билан йўғрилиб, мослаштириб олиб борилсагина у ютуқ эшикларини кенгроқ очади. Буни Бўка туманидаги Ойхўжа Йўлдошев номли жамоа хўжалигида фаолият юритаётган фермер Пўлат Асроров дилдан ҳис этади. Жамоадошлари ҳам шунга одатланишган. Демак: «Юлдуз»нинг шуъласи бу йил аввалги йиллардагига қараганда янада ёрқинроқ бўлиши табиийдир.

***Носир РИХСИЕВ.***

# ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ – ДАВР ТАЛАБИ

*Чиноз тумани хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Чиноз шаҳридаги 1-ўрта мактабда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар.*

Савол-жавобларга бой суҳбатларда туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари бўлимларининг масъул ходимлари сўзга чиқишиб, Ватаннинг нақадар муқаддаслиги, унинг тинчлиги учун хушёр бўлиш ҳақида гапирдилар. Шунингдек, фахрийлар ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Сўз олган ёшлар вакиллари юртнинг ҳар қандай чақиригига лаббай деяжакларини изҳор этдилар.

***Шаҳноза АБДУЛАЗИЗОВА.***

*Шу куннинг гапи*

# ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР ҲАМ МИЛЛИЙ БОЙЛИК

**Шу сабабли улардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, муҳофаза этиш ва заҳираларини қайта тиклаш давримизнинг энг зарур вазифаларидан бири бўлиб қолди**

***Ўзбекистонимизнинг барча ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ашёлари, шу жумладан, шифобахш гиёҳлар ҳам миллий бойлик ҳисобланади. Ўнлаб ўсимликлар муҳим дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.***

Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари шу соҳадаги ишларни доим текшириб бориши, аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига эришиши ҳамда халқимизнинг бу қимматли бойлигига зарар етказган шахсларни аниқлаб, уларни жазолаб туриши лозим. Бу иш «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда табиат муҳофазасига қаратилган бошқа қонунларга асосланиб олиб борилмоқда. «Қизил китоб» ва шу каби бошқа ҳужжатлар ҳамда меъёрий қўлланмаларга амал қилади.

Бугунги кунда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж тўхтовсиз ошиб бормоқда. Улардан ишланган дорилар экологик тоза, таъсир қуввати кучли, инсон танасига зарар келтирмайди, асоратлари бўлмайди. Айни вақтда уни тайёрлаш жараёни оддий ва осон бўлиб, иқтисодий жиҳатдан арзонга тушади.

Ҳозирги вақтда вилоятимиз ҳудудида доривор ва шифобахш ўсимликлар ўсадиган 7та ўрмон хўжалиги мавжуд. Ҳаммаси бўлиб 50 гектар майдонда 30 хилдан ортиқ шундай ўсимлик етиштирилмоқда. Уларни тайёрловчи ташкилот ва хусусий шахслар ўсимликларнинг барча хусусиятларини тўла билишлари, тайёрланадиган жой шароитлари, йиғиш муддатлари, сақлаш усуллари ва энг муҳими ўсимлик заҳираларига зиён етказмаслик қоидаларига риоя этишлари лозим.

Чорва моллари туёғининг кўпайиши, хусусий шахслар томонидан рухсат олмасдан ўсимликлар теришнинг ортиши, айниқса, ноёб ҳисобланган ширинмия, етмак, олтинқозиқ, андиз каби гиёҳларнинг илдиз томирларини, айримларини уруғлари етилмасдан йиғиштириб олиш ҳолатларининг содир этилиши оқибатида ўсимлик заҳираларига катта талафот етказилмоқда.

Шифобахш ўсимликларни муҳофаза қилиш, парваришлаш ва етиштириш жараёнида амалдаги қонун талабларига риоя этилишини аниқлаш бўйича ўтказилган текширувлар эса бу соҳада бошқа жуда кўп камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатди. Жами 200га яқин қонунбузарлик содир этилганлиги маълум бўлди. Бу ўзбошимчалик билан мол боқиб, ўсимликларни пайҳон қилиш, рухсатсиз дарахтларни кесиб, ўсимлик ва доривор шифобахш гиёҳлар ўсадиган майдонларга зиён етказиш, «Қизил китоб»га киритилган ноёб ўсимлик ва гиёҳларни териш, шифобахш ўсимликларни меъёридан ва рухсат берилганидан ортиқча йиғиштириб олиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Бунинг оқибатида табиатга етказилган зарар жуда катта маблағни ташкил этди. 5 миллион сўмга яқин товон пули тўлаш тақдим этилиб, унинг 70 фоизи ундирилди. Айрим ҳуқуқбузарлик кўринишлари ҳақидаги маълумотлар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ташкилотларига ҳавола этилди. Чунончи, миллий боғда 500 килограмм ҳажмдаги ноёб шифобахш гиёҳ — кийик ўтини қонунга хилоф равишда тайёрланганлиги маълум бўлди. Уни фуқаролар Н. Охунжонов ва М. Ваҳобовлар миллий боғ маъмурияти ҳомийлигида содир этганлар. Бу жиноят иш ҳақидаги маълумотлар вилоят прокурорлигига топширилди, унга йўл қўйган миллий боғ раҳбари Р. Мираипов эса вазифасидан четлаштирилди.

Яна бир муҳим масала устида тўхтаб ўтмоқчи эдик. Кейинги пайларда фуқаролар ўртасида шифобахш гиёҳлардан турли мақсадлар учун, айниқса, дори-дармон ўрнида фойдаланиш авжига чиқмоқда. Улар бундай ўсимликларни тайёрлаб, дуч келган жойда сотмоқдалар. Сотувчиларнинг аксарият кўпчилиги эса бу фойдали гиёҳлар тўғрисида ҳеч қандай маълумотларга эга эмаслар. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Чунки, ўсимлик турларини фарқига бормайдиган, уни билмаган ва тушунмаган одамлар алданиб қоладилар. Натижада уларни истеъмол қилиш фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришини билишмайди. Ваҳоланки, шифобахш гиёҳларнинг дори-дармонлиги уларнинг ўсиш жойига, экологик муҳитга, атрофида ўсаётган гиёҳларга, ёшига, ривожланиш даврларига, териш муддатларига, қуритиш, хом ашёни сақлаш ҳамда уни тайёрлаш услубларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кўнгилсиз воқеалар содир бўлмаслиги учун шифобахш гиёҳлардан фойдаланганда мутахассисларнинг маслаҳатини олиш ва унга амал қилиш зарур. Энг яхшиси уларни дорихоналардан сотиб олиш лозим.

Доривор ўсимликлар қимматли хом ашёлардир. Касалликларни даволашнинг энг қулай, арзон, таъсирчан ва самарали омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳамма жойда уларни муҳофаза қилишга катта эътибор бериш зарур. Тайёрлашда ва қайта ишлашда ҳам қонун талабларига амал қилиш талаб этилади. Айниқса, ўрмон хўжаликлари ва шифобахш гиёҳлар тайёрлашга ихтисослашган бошқа ташкилотлар раҳбарлари бу муҳим ишда қатъий тартиб ўрнатишлари, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликлари, асраб-авайлаш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Биз экологлар эса бу ишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

***Абдумутал АБДУХОЛИҚОВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат нозири,***

***Маҳмуд МЎЙДИНОВ, қўмита бош мутахассиси.***

# СИФАТНИ ОШИРАДИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик бирлашмасида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги технология ва техника воситаларини жорий қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Яқинда унинг кислород-компрессор цехида яна бир техник янгиликни ўзлаштириш бошланди. Унда ҳаво ажратгич агрегатининг қўшимча блокини ўрнатиш ниҳоясига етказилиб, ишга туширилди.

Бу тадбирнинг ишлаб чиқаришга катта нафи тегади. Чунки, унинг ёрдами билан пўлат эритиш учун зарур бўлган кислород ва азот олинади, айни вақтда пайвандлашда кенг ишлатиладиган аргон гази ҳам ҳосил қилинади. Улардан фойдаланиш пўлатнинг софлигини жаҳон мезонлари даражасигача етказишга ёрдам беради.

***Ўз мухбиримиз.***

# ЁШЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Пскент тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, агросаноат мажмуи касаба уюшмаси ҳамда спорт қўмиталари ҳомийлигида курашчи Иброҳим Тўрахонов хотирасига бағишлаб волейбол ва миллий кураш бўйича мусобақалар уюштирилди. 23-мактаб спорт мажмуида бўлиб ўтган ушбу беллашувларда ёшлар ўзаро куч синашдилар.

Мусобақа сўнгида ғолибларга ҳомийлар таъсис этган қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




***Ўзбекистон Конституцияси – Асосий қонуннинг муқаддимасидаёқ у халқимиз бахти, авлодлар олдидаги юксак масъулияти, демократия ва ижтимоий адолат таянчи, фуқаролар тенглиги, уларнинг муносиб ҳаёт кечириши, миллий тотувлигининг гарови эканлиги ёзиб қўйилган.***

**Конституциянинг 1-моддасида шундай жумлалар бор: «Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади».** Ушбу сўзларни эҳтиром ва ёниқ ҳаяжон билан ўқир экансиз, яқин ўтмишда шундай дея олармидик, деган савол туғилади. Асло! Ўша пайтдаги Конституция бизни ҳар томонлама чеклаган, ҳар томонлама қўл-оёғимизни боғлаб берган қонунлар тизими эди. Биз қоғоздагина эркка етишган эдик. Эгик бошларимизни кўтарсак «миллатчи» деган тамғага дуч келардик. Бугун бундай қарашлар барҳам топди. Бугун миллат учун қайғурадиган, халқим деб ёниб яшайдиган кишилар фидойи, тадбиркор, ишбилармон деб улуғланмоқда. Уларга юзлаб одамлар эргашмоқда. Ватан қудратини ошириш учун тер тўкмоқда, ноз-неъмат яратмоқда. Қадр-қиммат, шаън-шавкат, аждодлар ҳурмати, келажакка ишонч, мана ўн йилдирки, бизга йўлчи юлдуз бўлиб келмоқда.

**Конституциянинг 2-моддасида қайд этилганидек: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир».** Бу сўзларни қайта шарҳлашга асло ҳожат йўқ. Халқ эркин яшашни хоҳлайди. Бугун эрки ўз қўлида. Халқ, ҳар бир фуқаро тўкин яшашни хоҳлайди. Бугун у ўз ризқини ўзи яратмоқда. Тадбиркорларга, фермерларга, ишбилармон, ҳунармандларга, бизнесменларга йўл катта очилган. Неча йиллардан бери кўзлари ёпиқ булоқ шарқираб очилганидек, мустақиллик берган бу имконларнинг самараларини кўриб турибмиз. Кеча ҳорижга боришни орзу қилардик. Бугун минглаб ёшларимиз жаҳоннинг номдор университетларида таҳсил олмоқдалар.

Ватан – бу азиз ҳудуддир. Бу ҳудудда ўсган оддий гиёҳ ҳам биз учун табаррук саналади. Шунинг учун ҳам Ойбек «Ватанни сев, тупроғини ўп» деб сатрлар битган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» деб ҳайқириши ҳам бежиз эмас. Зеро, бойлиги, гўзаллиги учун юртни севган инсонларни инсон деб бўладими?! Мана шунинг учун ҳам ўзбек халқи ўз юртининг ҳудудини обод қилади. Унинг чегараларини қўриқлайди, даҳлсизлигини кўз қорачиғидай асрайди. Бинобарин, **Конституциямизнинг 3-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмасдир».**

Хотирингизда бўлса, бундан ўн беш йиллар олдин ўзбек тилида аризани ҳам ўйлашиб ёзардик. Олий минбарларда фақат рус тилида нутқ ирод этиларди. **Конституциямизнинг 4-моддаси ана шу ҳолларга мутлақо барҳам берди: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».** Бу сўзлар шунчаки ёзиб қўйилган эмас. Унинг ижобатини ҳар куни, ҳар соатда кўриб турибмиз. Барча жабҳаларда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилмоқда, лотин ёзувидаги ўзбек тилига амал қилинмоқда. Радио, телевидениедаги ранг-баранг эшиттиришлар, кўрсатувлар ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Авваллари ўзбек тилида саноқлигина газета-журналлар чоп этилган бўлса, бугун уларнинг сони 700дан ошиб кетди.

Республикамиз Байналмилал маркази эса ўзида ўнлаб миллий-маданий марказларни бирлаштирган. Ушбу марказлар фаолиятида ўзи мансуб бўлган миллат – қирғиз, қозоқ, туркман, украин, беларус, тожик ва бошқа халқларнинг урф-одатини сақлашда, уларни ривожлантиришда беминнат дастёр бўлиб хизмат қилмоқда. Бу юртимиздаги тенгҳуқуқлиликнинг биттагина кўриниши, холос. Давлат тили деб эътироф этилган ўзбек тили айни пайтда янада оммавийлик касб этиб бораётгани қувончлидир. Ватанимиздаги юздан ошиқ миллат вакиллари ўзбек тилини ўз она тилларидек севиб ўрганмоқдалар.

Ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари бўлади. Бу ҳақда **Конституциядаги 5-моддада қисқа ва лўнда қилиб айтилган: «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари, байроғи, герби ва мадҳиясига эга».** Нақадар фараҳбахшки, ҳар тонгда мадҳиямиз янграмоқда. Муқаддас миллий байроғимиз ҳатто БМТ олдида мағрур ҳилпирамоқда. Ҳукумат уйи пештоқида кўкка талпинган хумо қуши тасвирланган гербимиз ярқираб турипти. Сизу биздан талаб этиладигани – мадҳиямизни баралла айта олиш, байроғимиз ва гербимиз яралиш тарихини билишдир. Ана шу рамзларга муносиб, уларни кўз қорачиғидек асровчи инсонлар бўлиб яшашдир.

**Конституциянинг 6-моддасида зикр этиладики, «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри».** Салкам икки ярим минг йиллик тарихга эга Тошкентнинг довруғини эшитмаган киши бормикин! Уни яна қандай таърифлаш мумкин?! Тошкент деган сўзни нафақат сизу биз, балки, бутун жаҳонда иззат билан тилга оладилар. Дўстлик шаҳри, қардошлик шаҳри, нон шаҳри, деб эъзозлайдилар. У ўн йил бўлдики, Мустақил Ўзбекистонимизнинг бош шаҳри, пойтахти сифатида ҳам тиллардан тушмайди. Ўн йил ичида унинг жамоли шунчалар очилиб кетдики, бир қарашда таниёлмай қоласан, киши. Равон кўчалар, ҳукумат уйи, Ватанимизнинг биринчи Президентининг Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, турли идоралар айнан Тошкентда жойлашгандир. Айниқса, Халқлар дўстлиги ва «Туркистон» саройлари, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали, Алишер Навоий номидаги миллий боғимиз барчанинг суюкли масканларидан бўлиб қолди.

Ўзбекистон Конституцияси бўлмаганида мана шуларга эга бўлармидик?! Шунинг учун ҳам уни бахтимизнинг қомуси десак дилимиздаги туйғуларни изҳор этган бўламиз. Конституциямиз ишламоқда, амал қилмоқда. У ҳуқуқларимиз кафолати тимсолидир.

*Маънавият сарчашмалари*

# ХАЗИНА



***Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти деганда, кўз олдимизга битмас-туганмас маънавий хазина келади. У ердаги нодир қўлёзмаларда йилларнинг ҳикматлари яширинган. Мабода қўлёзмалар хазинасига кириб қолгудек бўлсангиз, асарларни кўриб, «булар ҳаммаси қачон ўрганилади, халқимиз қачон баҳраманд бўлади», деб ўйлайсиз. Аслида олимлар жуда катта кўламдаги илмий-тадқиқий ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Институтнинг илмий ишлар бўйича директор муовини Баҳриддин Маннонов билан бўлган суҳбатимиз айнан шу хусусда борди.***

**— Баҳриддин ака, дастлаб икки оғиз институт тарихи ҳақида сўзласангиз.**

— Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Фанлар Академияси ташкил топган йили унинг таркибида тузилган илк илм даргоҳларидан саналади. У аввал Қўлёзмалар институти, 1950 йилдан бошлаб, Шарқшунослик институти деб аталган. 1998 йилда ФА президиуми қарорига мувофиқ Шарқшунослик ҳамда Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти бирлаштирилди. Икки илм масканининг қўлёзмалари бир ерга жамланди. Институт китоб хазиналарида ҳозир 70 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар сақланмоқда. Яна шунча арабий имлодаги босма китоблар, 10 мингдан зиёд шарқ тилларидаги ёзма ҳужжатлар мавжуд. Илм даргоҳининг 70дан ортиқ ходимлари бу катта меросни замондошларимиз мулкига айлантириш йўлида хизмат қилишмоқда. Уларнинг олиб борган тадқиқотлари, ёзган илмий асарлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам шуҳрат қозонмоқда.

**— Узоққа бормайлик, ўтган йили институт ҳаётида энг самарали йиллардан бири бўлди, деб эшитамиз...**

— Йигирманчи асрнинг сўнгги йилида «Ўзбекистон ҳудудларида давлатчилик тарихига оид шарқ тилларидаги архив ҳужжатлари мажмуалари ва қўлёзма манбаларини тадқиқ этиш», «Шарқ тилларидаги ҳужжатлар таснифи», жумладан, «Хива қозилик ҳужжатлари», «Бухоро хонлиги ҳужжатлари», «Хожа Аҳрор Валий мактублари» мавзулари бўйича иш олиб борилди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда яхлит ёзма асарлар билан бир қаторда маълум давр ва ижтимоий-иқтисодий муҳитда ёзилган ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжатларни фақат мутахассисгина ўқиб, тартибга тушира олади. Бир неча йиллардан буён бу ишни давом эттириб келмоқдамиз. Ҳужжатлар таснифи-рўйхатини 2002 йили якунлаш мўлжалланган.

**— Имкони бўлса мисоллар келтирсангиз...**

— «Қушбеги архивидаги ҳужжатлар» Бухоро хонлигидаги ер-сув, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни ўзида акс эттирган бўлиб, бу силсилага кирган ҳужжатлардан қўшимча равишда таржима тавсифлар тайёрланди. «Ҳожа Аҳрор ва унинг муридлари томонидан темурийлар саройига ёзилган мактублар» мавзуидаги ишларни АҚШдаги Нью-Жерси коллежи билан ЎзР ФА ШИ орасидаги шартномага мувофиқ матн ва таржимаси билан нашрга тайёрлаш режалаштирилган. «Хива қозилиги ҳужжатлари»ни ўрганишда А. Ўринбоев, Ғ. Жўраева, Т. Файзиев каби илмий ходимларимиз билан бир қаторда Япониянинг Киотодаги хорижий тилларини ўрганиш институтининг Торсу Хорихава, Кинвейти Исотайдек олимлари ҳам иштирок этмоқдалар. Иш якуни сўзбоши ва кўрсаткичлар илова қилинган ҳолда 2001 йил Японияда чоп этилади.

Шу билан бирга «Амир Темур мактублари» — улар 280 та — ўзбек тилига ўгирилди. «Бухоро манзиллари» номли уч ярим босма табоқ ҳажмдаги рисола тайёрланиб, нашрга топширилди. Амир Темур даври тарихи бўйича бизга ҳозиргача маълум бўлмаган асарлар қаторига унинг турли давлатлар ҳукмдорлари, замонанинг олиму фузалолари ва машойихлари билан олиб борган ёзишмалари киради. «Муножаат», «Иншо», «Макотибот» деб юритилувчи мазкур манбаларни ўрганиш тарихимизнинг муҳим томонларини талқин этишда аҳамиятга моликдир.

**— Институтдаги қўлёзмалар жуда ноёблиги билан диққатга сазовордир. Айниқса, уларни таъмирлаш катта аҳамиятга молик...**

— Тўғри айтасиз. Шарқ қўлёзмаларини сақлаш, бой хазинамизга илмий-техник хизмат кўрсатиш, қўлёзма асарларини тадқиқ этиш учун мутахассисларга шароит яратиш, қўлёзма асарларини таъмирлаш каби ишларда илмий ходимларимиздан М. Ҳасанов, Қ. Муниров, Ҳ. Мадраҳимов, К. Музурова, М. Солихова, Б. Умурзоқов, Т. Алимова, М. Раззоқова, Д. Ҳатамова, Ш. Зиётов, Ж. Ҳидоятова, С. Ҳайдарова, У. Хўжаева, Б. Қосимхонов, М. Қамбарова ва бошқаларнинг меҳнати кўп сингди. Натижада, қўлёзмаларнинг муаллифи ва китоб номи бўйича 5553та қайднома ёзилди, 145та китоб махсус дафтарга қайд этилди. Хазинадан фойдаланишни янада қулайлаштириш мақсадида режадан ташқари қутилардаги қайдномалар қайта кўриб чиқилди. Алифбо бўйича тартибга олинди. Йўқолган ва йиртилганлари қайта тикланди. 195та қўлёзмадан 40 минг кадрли микрофильм тайёрланди. 1200та қўлёзма тавсифи ва нодир қўлёзмалардан 200 варағи компьютер хотирасига киритилди.

Институт хазинасидаги қўлёзмалар ҳақида ихчам маълумот бериб, уни беш жилд ҳажмида чоп этиш ва ёзма меросимиз ҳақида кенг китобхонлар тасаввур олиши учун имкон яратишга мўлжалланган қисқа тасниф-рўйхат тузиш ишлари давом эттириляпти. Унда ШИ фондидаги барча қўлёзмалар, яъни, араб, форс, туркий ва бошқа тилларда ёзилган асарлар тавсифланади.

**— Ўтган йили буюк алломаларимиз ал-Мотуридий ва ал-Фарғонийларнинг муборак тўйлари бўлиб ўтди. Юртимизнинг маънавий ҳаётидаги бу оламшумул воқеаларга институт олимлари муносиб ҳисса қўшган бўлсалар керак.**

— Албатта. Икки буюк алломамизнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган умумий ҳажми 20 босма тобоқдан иборат бўлган 7та рисола чоп этилди. У. Уватов, Р. Баҳодиров, Д. Расулов, М. Ҳасаний, Ҳ. Исломий, Ш. Зиётов, О. Қориев каби олимларимиз бу асарларда ислом илми тарихида ўчмас из қолдирган ва ислом оламида буюк зотлар сифатида эъзозланиб келинаётган ватандошларимизнинг муқаддас сиймолари ва улар авлодларга қолдирган маънавий мерос ҳақида биринчи бор ўқувчиларга батафсил ва янги маълумотлар баён этилди. Ушбу йўналишда бажарилаётган тадқиқотлар ҳақида гап кетар экан, «Миллий ғояни шакллантиришда Мовароуннаҳр мутафаккирлари фалсафий тафаккурининг аҳамияти» ва «Ўрта Осиёдаги ислом тарихининг рус шарқшунослари томонидан ўрганилиши» мавзуларидаги изланишларни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Бу соҳада илмий ходимларимиздан М. Қодиров ва А. Галяутдиновлар ишламоқда.

**— Институт олимлари олиб бораётган ишларнинг умумий ҳажми қандай?**

— Институтимиз олимлари республикамиз ва хориждаги илмий ва оммабоп журналлар саҳифаларида 103та, газеталарда 140та мақола эълон қилдилар. Ўтган йили дунё юзини кўрган тадқиқотларнинг умумий ҳажми 400 босма табоқни ташкил қилди. Чет элларда босилган асарларнинг умумий ҳажми эса 200 босма табоқдан иборат бўлди.

**— Баҳриддин ака, бюджетдан ташқари имкониятларни жалб қилиш, институт моддий-техника базасини бойитиш, сақланаётган нодир қўлёзмалар ҳақидаги маълумотларни кенг миқёсда эълон қилиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Илмий-тадқиқот натижаларини, яъни монография, рисола ва тўпламларни нашр эттиришда чет эллардаги илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш; ходимларимизнинг чет эллардаги турдош ташкилотлар тарафидан уюштирилган анжуманларида қатнашишларида ташкилотчилар имкониятларидан фойдаланиш; моддий-техника базамизни бойитиш (компьютерлар, нусха олувчи ускуналар кабиларни харид этиш), хорижий илмий жамиятлар билан ҳамкорлик қилиш; нодир қўлёзмалар ҳақидаги ахборотларни халқаро компьютер тизимига киритиш; улар ҳақидаги маълумотлар олинган парчалар билан жаҳон миқёсида бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Айтиб ўтишимиз керак, ўтган йилда ал-Мотуридий ва ал-Марғиноний ҳақидаги еттита китоб хорижлик ҳамкорларимиз билан биргаликда чоп этилди. Бунинг учун Германия шарқшунослик маркази 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратди. Кўпгина ходимларимиз илмий сафарларга, анжуманларга, ташкилотчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қатнаш имкониятига эга бўлдилар. Германиялик ҳамкасбларимиз кўмагида компьютерлар хонаси ташкил этдик. Энди институтимиз интернетга чиқиш имконини қўлга киритди.

**— Ютуқлар билан бир қаторда ҳал этилишини кутиб ётган муаммолар ҳам бўлса керак.**

— Албатта, ютуқлар ҳақида кичкина суҳбатда батафсил сўзлашнинг имкони йўқ. Фақатгина институтимизнинг ўзидагина илмий тўпламлар, таснифлар, айрим олимларнинг асарларини қўшиб ҳисоблаганда 26дан зиёд рисолалар чоп этилди. Муаммо ҳар бир ташкилотда бўлгани каби, бизда ҳам бор. Ходимларимиз томонидан бажарилаётган тадқиқотлар Республика, МДҲ ва дунё стандартлари талаблари миқёсидаги характерга эга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда институтга бажарилган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида нашр этиш учун йилига 100 босма табоқ ҳажмида лимит ажратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яна маъмуриятимизнинг илтимоси инобатга олиниб, қўлёзмалар мажмуаси тепасида жойлашган фотолабораторияни биринчи қаватга туширишга маблағ ажратилди. Бу тадбир қўлёзмаларни хавф-хатардан асраш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Аммо ана шу муаммони узил-кесил ва ҳозирги давр талаблари асосида ҳал этиш учун махсус бино барпо этиш ҳақидаги таклифимиз ҳам амалга ошса айни муддао бўлар эди.

**— Илмий изланишлар, янги асрда ҳам кенг кўламда давом эттирилса керак...**

— Ҳар бир қўлёзма халқимизнинг, таъбир жоиз бўлса, миллий бойлигидир. Уларни гард юқтирмай асраш, халқимизнинг, хусусан, ёш авлоднинг маънавий мулкига айлантириш биз олимларнинг вазифамиздир. Бу йўлда барча имкониятларни ишга солаверамиз.

***Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.***

# XXI asr va dunyo

**Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

- АҚШ маъмурияти нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти - ОПЕКнинг «қора олтин» қазиб чиқаришни камайтириш режасига қарши чиқди. Оқ уй вакилининг сўзларига қараганда, расмий Вашингтон ОПЕКни 17 январь куни Венада бўладиган мажлисда бундай қарор қабул қилмасликка чақиради. Чунки бу режанинг амалга оширилиши жаҳон бозорида нефть нархи кескин ошишига олиб келади.
- Германия мудофаа вазири Рудольф Шарпинг бойитилмаган уранли снаряддан фойдаланишни халқаро миқёсда тақиқлаш лозимлигини айтди. Унинг айтишича, Германия эндиликда бундай қуролдан фойдаланишга чек қўяди.
- Миср ҳукумати Ироққа нисбатан бундан ўн йил муқаддам жорий қилинган халқаро иқтисодий жазони тезда бекор қилиш тарафдоридир. Мамлакат президенти маслаҳатчиси Усама ал-Баъз шуни маълум қилди. Унинг айтишича, иқтисодий жазодан биринчи навбатда бегуноҳ фуқаролар азият чекаётир. Яъни, халқнинг турмуш даражаси тобора пасаймоқда. Мамлакатда болалар ўлими кескин кўпайди. Халқаро ҳамжамият, айниқса, АҚШнинг янги маъмурияти бундай салбий оқибатлардан тўғри хулоса чиқармоғи лозим, деди Миср президентининг маслаҳатчиси.
- Венесуэла президенти Уго Чавес нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕК четдан бўлаётган тазйиқларга қарамай, хомашё қазиб чиқаришни камайтириши лозимлигини маълум қилди. Сўнгги кунларда жаҳон бозорида «қора олтин» баҳоси ошиб бораётган эса-да, ОПЕК аъзолари шу ҳафтада Венада ўтказиладиган мажлисда бу борада тегишли қарор қабул қилиши зарур, деди президент.

*Жаҳон маданияти юлдузлари*

# ШОХМОТ – МЕН УЧУН ТИНЧЛИК ЎЙИНИ

***Жаҳонга машҳур шатранж устаси Анатолий Карповдан ўтган асрнинг энг эсда қоларли санасини сўрашганда у: «Онам Нина Григорьевнанинг саксон ёшга тўлиши ва қизим Софьянинг туғилиши», деб жавоб берди.***



Аслини олганда эса бундай воқеалар жуда ҳам кўп эди. Карпов антиқа одатлар соҳиби. 1999 йилда тезкор шохмот ўйнаш бобида жаҳон ғолиби бўлиш учун Вишванатан Ананд билан ўтган «жанг» жуда оғир кечган эди. Ҳамма энди Анатолий уч-тўрт ҳафта дам олса керак, деб ўйлаганди. У бўлса беш кун ўтар-ўтмас катта халқаро турнирда қатнашиш учун жўнаб кетди.

Машҳур шохмотчи билан бир оғиз бўлса ҳам суҳбалашиш учун унинг ишхонасига қўнғироқ қилдим. Хаёлимда эса менинг саволларимга, тасаввуримда унинг жавоблари...

**— Анандни мағлуб этиб, ғолиб бўлганингизда сизни ким биринчи бўлиб табриклади?**

— Тулалик ва златоустлик ҳамшаҳарларим. Биласизми, тадқиқотларнинг кўрсатишича, шохмотчиларнинг пульси — томир уриши гоҳида даҳшатли ҳолатга келиб қолар экан. Мана-мана ҳозир ёрилиб кетади, деб ўйлайсиз. Битта ажойиб юриш билан яна ҳамма нарса жой-жойига тушади-қолади. Табрик эшитганингизда эса бетоб бўлсангиз ҳам мутлақо соғайиб кетасиз.

**— Шохмот оламида қироллардан бири саналасиз. Устозларингиз ҳали ҳам борми?**

— Бусиз мумкин эмас. Михаил Подтаец билан мунтазам ишлайман. Гроссмейстерлардан Александр Онишчук, Иван Марович, Владимир Тукмаков, жисмоний тарбия бўйича мураббий Валерий Криловлар доим менга ҳамроҳ.

**— Шохмотчилар ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Каспаров, Фишер, янги жаҳон чемпиони бўлган Крамникларга тараф йўқ. Ҳиндистонлик Анандни худди компьютер дейсиз. Жуда тез ўйлайди, лекин мен ҳам чаканалардан эмасман. Ҳар ҳолда жаҳон чемпиони бўлган шатранж усталари Михаил Тал ҳам, Михаил Ботвинник ҳам, Тигран Петросян ҳам, Виктор Корчной ҳам, Макс Эйве ҳам — улар жуда кўп — ўз мактабини яратганлардан. Бусиз, яъни, ўз услубига эга бўлмасдан туриб, биринчи бўлиш жуда қийин.

**— Умуман, бугунги шохмот олами ҳақида нима деган бўлардингиз?**

— Бугунги шохмот оламида жуда ҳам кўп мушкулотлар туғилди. Эркаклардагина эмас, ҳатто аёллар шохмотида ҳам вазият кескинлашиб турибди. ФИДЕ кўп нарсани ижобий ҳал қилишга рўйхуш бермаяпти чоғи. Жужи Полгардан чемпионлик унвонини деярли тортиб олишди. Алиса Галямовани маълум муддатга ўйинларга қатнаштирмай қўйишди. Унинг айби — ҳамма партияларни рақибамнинг юртида ўйнамайман, дегани эди. Бу каби гап-сўзлар ҳар лаҳзада бўлиб туради. Ақл билан ишлайдиган шохмот усталарининг муаммоларига ҳам ақл билан ёндошмоқ керак.

**— Анатолий Евгеньевич, сизнинг назарингизда жаҳон биринчилиги қандай бўлиши керак?**

— Аввало жаҳон биринчилигини фақат профессионал шохмотчилар учун ўтказиш керак. Ҳаваскорлар учун эса қитъа биринчилиги ташкил этилса айни муддао бўларди. Яна мамлакатлар биринчилиги, шохмот олимпиадаси ҳам бор. Уларда минглаб шатранж усталари қатнашадилар. Лекин ўн беш ё йигирмата тож даъвогарлари бор. Жаҳон чемпиони ўшалар орасидан чиқади. Яна жаҳон биринчилиги учун бўладиган мусобақаларни 48 партиядан иборат бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. У ҳатто 32 партия бўлса ҳам оғирлик қилади. 14 партия бемалол энг кучли шатранжчини ҳал қилиб беради, деб ўйлайман.

**— Ҳар бир соҳада бўлгани каби шохмотда ҳам ўринбосарлар тайёрлаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади...**

— Албатта, мен ҳозир ҳам бу масалага катта эътибор билан қараяпман. Йил сайин ўтказиладиган жаҳон болалар шохмот олимпиадаси айни муддао бўлиб турипти. У кейинги сафар Францияда ташкил этилади. Яна болалар учун 22 тилда китоблар ҳам чоп этиш режалаштирилган, Москвадаги хусусий лицейлардан бирида шохмот дарслари ҳам ташкил этганман. Етти бора ўтказилган Чернобил спартакиадалари ажойиб қобилият эгаларини аниқлаб берди.

**— Сизнинг яна бир олижаноб ишингиз бор. Жаҳон тинчлик жамғармалари ассоциациясининг президенти сифатида озмунча тер тўкмаяпсиз.**

— Ассоциациямиз жаҳондаги барча йирик тинчликсевар ташкилотларни бирлаштиради. Биз деярли барча давлатлар билан яхши алоқалар ўрнатганмиз. Ҳаракатимиз кўлами жуда кенг. Қочоқлардан тортиб етим болаларгача бизнинг қанотимиз остида бўлади. Турли-туман акцияларимиз, хусусан, келгуси авлодни безавол камол топишида ниҳоятда катта ёрдам бермоқда. Айтаверадиган бўлсак гапимиз жуда ҳам чўзилиб кетади. Ким нимага муҳтож бўлса, ассоциациямиз ўшанинг дардига даво топишда йўлдош...

... Ниҳоят телефон дастаги кўтарилиб, қўнғироқдек овоз эшитилди:

— Жаҳон тинчлик фондлари ассоциациясининг идораси эшитади.

— Менга Анатолий Евгеньевич зарур эди...

— У киши муҳим масалани ҳал этиш учун кетганлар. Бугун, ҳатто, эртага ҳам бўлмасликлари мумкин.

— Катта раҳбар одам бошқаларга буюрсалар бўлмайдими?

— Тинчлик — ниҳоятда муҳим вазифа, — дейди мулойимлик билан қўнғироқдек овоз. — У билан ҳамма шуғулланиши керак. Анатолий Евгеньевич ҳам минглаб тинчликсеварларнинг бири.

Гарчи бу сафар суҳбатимиз насиб этмаган эса-да, мен дилимдан ўтган барча сўзларни қоғозга туширишга жазм этдим.

***Темур ЙЎЛДОШЕВ.***

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

◆ Сальвадорда ўтган шанба куни юз берган ер қимирлаши оқибатида қурбон бўлганлар сони 350 кишига етди. Хабарларга қараганда, яна бир неча минг одам жароҳатланган. Кўплаб уй-жой ва маъмурий бинолар вайрон бўлган. Ушбу зилзила кучи Рихтер ўлчови бўйича 7,6 баллга етган эди.

◆ Покистон ички ишлар вазири Моиниддин Ҳайдар мамлакатда террорчилик ҳаракатлари содир этган жиноятчиларнинг кўпчилиги ҳозир Афғонистоннинг толиблар назоратида бўлган ҳудудида яшириниб юрганини айтди. Шу сабаб, расмий Исломобод «Толибон» маъмуриятидан бундай жиноятчиларни тутиб беришни талаб қилишда давом этади, деди вазир. Унинг айтишича, ҳозир Покистонда қидирувда бўлган жиноятчиларнинг олтмиш нафари Афғонистонда яшамоқда.

◆ Японияда аҳолини рўйхатга олиш борасида ўтказилган сўнгги тадбир якуний натижаларига кўра, мамлакатда аҳоли кўпайиш даражаси йилига 0,2 фоизни ташкил қилмоқда. Бу 1995 йилдаги кўрсаткичга қараганда, 0,12 фоиз кам. Ҳозир мамлакат аҳолисининг олтмиш икки миллиондан ортиқроғи эркаклар, қарийб олтмиш беш миллиони эса аёллардир.

### БОЙИТИЛМАГАН УРАН ВАСВАСАСИ

Норвегия ҳамда Финляндия ташқи ишлар вазирликлари бойитилмаган уранли снаряддан фойдаланишга чек қўйиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Инсон соғлиғига зарар етказувчи бундай ўқ-дорини ишлатишни расман тақиқлаш керак, дейилади бу давлатларнинг қўшма баёнотида.

### ЎТИБ КЕТГАН УРУШ АСОРАТИ

Ироқ мудофаа вазирлиги Форс кўрфази уруши тугагандан буён НАТО ва иттифоқчилари қолдириб кетган тўрт юз мингга яқин мина ва ракета зарарсизлантирилганини маълум қилди. Вазирлик вакилининг айтишича, 1991 йилдаги урушда АҚШ бошчилигидаги кўп миллатли кучлар Ироққа умумий оғирлиги 140 минг тонна бўлган ракета ва миналар ёғдирган. Айни пайтда ўн мингдан ортиқ «ажал уруғи» йўқ қилинмаган ва улар одамлар ҳаётига жиддий хавф солиб турибди. Шу кунгача юзга яқин киши минага учраб, қурбон бўлди.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ва ЎзА ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*Доно сўз дунё кезар*

# БИР КОСА СУТ ВА ОЛТИН ТАНГА

Фақиргина бир одам ўтин йиғиб, уни сотиб тирикчилик қилар экан. Кунлардан бир куни далада чўпак териб юриб, янтоқнинг соясида ҳолсиз ётган илонни кўриб қолибди. Унинг раҳми келибди. Ўзи билан олиб келган сутдан идишга қуйиб, илоннинг олдига қўйибди. Илон сутни ичиб инига кириб кетибди, кейин тешикдан чиқиб ўтинчи сут берган идишга сариқ танга ташлабди.

Олтин тангани кўриб ўтинчининг эси оғиб қолаёзибди. Эртасига яна бир коса сут олиб келиб илоннинг ини олдига қўйибди. Илон сутни ичибди. Яна бир сариқ олтин тангани косага ташлабди. Ҳар куни шу ҳол такрорланаверибди. Ўтинчи бойиб, ҳаёти яхшиланибди. Ахир бир коса сутга бир тилла танга олса ёмонми?

Рамазон ҳайитидан кейин ўтинчи Ҳажга бормоқчи бўлиб, тайёргарлик кўра бошлабди. Сафарга жўнаш олдидан у ёшгина ўғлига:

— Ўғлим, ҳар куни бориб илоннинг ини олдига косада сут қўясан, у сенга бир сариқ танга беради. Уни олиб келасан. Эҳтиёт бўл, илонга озор берма. Мен Ҳаждан қайтгунимча шу ишни қилиб тур, — деб уқтирибди.

Шундай қилиб, бола илонга сут олиб кела бошлабди. Бир куни у илонга кўзи тушиб қолиб, қўрқиб кетибди. Қўлидаги белкурак билан уни урибди. Илоннинг думи узилиб кетибди. Жонивор жонҳолатда болага ташланиб, уни чақибди. Бола нобуд бўлибди.

Отаси сафардан қайтиб, воқеадан изтиробга тушибди: ўғлининг ўлганига куйсинми, ҳар куни тушаётган олтин тангадан айрилганига куйсинми? Не ҳасрат билан яна илоннинг олдига борибди ва:

— Кел, ўтган ишга салавот, сен билан қайта бошдан дўст бўламиз. Бўлган гапларни унутайлик, — дебди.

— Йўқ, бўлмайди, менда дум аччиғи, сенда фарзанд доғи бор экан, биз бундан кейин дўст бўлолмаймиз, — деб жавоб берибди илон.

***Арофат РАЗЗОҚОВА тайёрлади.***

# «ЖАР» БИРИНЧИЛИГИ

***«Жар» спорт мажмуида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланиб, ўзбек кураши бўйича «Жар» спорт мажмуи биринчилиги мусобақаси ўтказилди.***

Мусобақада 20 килограмм вазндаги жажжи полвончалардан тортиб, 81 килограммгача бўлган номдор полвонлар гиламга чиқди. Ёш полвончалар жами 13 вазн тоифасида, катта ёшдаги полвонлар эса 4 вазн тоифасида курашга тушдилар.

Ғолибларга медаллар, кубоклар, дипломлар ҳамда «Жар» спорт мажмуи раҳбарияти томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақада Халқаро кураш академияси президенти Жўрақул Турсунов ва Ўзбекистон кураш миллий федерацияси вице-президенти Талъат Усмонов иштирок этишди.

***«Туркистон-пресс».***

# МАФТУНКОР ЮРТ СУРАТЛАРИ

*Германиянинг Бронхайм шаҳрида машҳур немис фотосуратчиси Герхард Штайнметцнинг фотосуратлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг юздан ортиқ асарлари Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, меъморчилигимизнинг нодир ёдгорликлари, ўзбек халқининг бугунги куни ҳамда юртимизнинг бетакрор табиатига бағишланган.*

Бутун фаолияти давомида оқ-қора фотосуратлар ишлаган Г. Штайнметц Ўзбекистонга сафари чоғида қадимий ёдгорлик ва обидаларимизнинг қуёш нурида товланаётган ранглар жилосига мафтун бўлиб, уларни махсус рангли фототасмага туширишга қарор қилди. Бу унинг биринчи рангли фотосуратлар кўргазмаси бўлди.

Ушбу кўргазманинг эътиборли жиҳати шунда эдики, томошабинлар Ўзбекистонни ўзларининг ҳамюртлари – немис сайёҳининг кўзлари билан кўрдилар.

Очилиш маросимида сўзга чиққан Бундестаг депутати Хайнц Шмитд, фотосуратларни кўрган томошабинлар Ўзбекистонга мафтун бўлиб, уни ўз кўзлари билан кўриш иштиёқи туғилишига ишонч билдирди.

Бундан 15 йил аввал Ўзбекистонда бўлган Т. Найтхарт фотосуратларни кўриб, «...мамлакатингиз жуда ҳам ўзгариб кетибди, албатта бу – Ўзбекистон раҳбариятининг ютуғидир», деди. Сўзининг интиҳоси эса шундай бўлди: «Дарҳақиқат, юртингиз мафтункордир!».

***М. БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА.***

# ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

*Юқоричирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли марказий кутубхона қошида очиқ жамият институти – «СОРОС» жамғармаси ҳамда вилоят илмий универсал «Турон» кутубхонасининг «Ҳуқуқий ахборот маркази» фаолият юритмоқда. Шу муносабат билан кутубхона учун компьютер, принтер ҳамда «СД РАМ» аппаратлари ажратилди.*

Марказ фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатади, кам таъминланган оилалар, ёшлар, ўсмирлар, ногиронларни қонунларимиз билан таништиради. Бу борада марказнинг «Ҳуқуқий масалалар бўйича юрист маслаҳати», «Ҳуқуқий компьютер дастури», «Ҳуқуқий адабиётлар», «Электрон почта», «Кўпайтирувчи техника» каби йўналишларини тилга олиш кифоя.

«Фуқаро ва қонун», «Ўсмирлар ва қонун» мавзуларидаги стендлар, «Оила, ота-онанинг вазифалари ва мажбуриятлари», «Мактаб, ўсмир, қонун» деб номланган маслаҳат кунларининг самараси, айниқса, сезилмоқда. Тадбирларни ташкил этишда лойиҳа директори Дилбар Абдукаримова, марказ мудири Татьяна Ким, марказ ҳуқуқшуноси София Пирматоваларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

*Жиноят жазосиз қолмайди*

# РУҲЛАР ИСКАНЖАСИДА

## ЁҲУД ЎЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ОНАИЗОРИ ЖАСАДИНИ ЎЗ УЙИГА КЎМГАН ЎҒИЛНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ ХУСУСИДА

### КУВОНЧ

1958 йил. Июнь ойининг осуда тунида янграган янги Инсон овози туғруқхонанинг очиқ деразаси орқали узоқ-узоқлардан садо бергандай бўлди. Ҳа, Екатерина Николаевна ўғил кўрди! Орзуси ушалди! Қувончлари киприклари аро ёш бўлиб оқди. «Вақт етиб ўлсам, тупроғимни тортадиганим бор», — дея кўнгли таскин топди.

Она полапони — Владимирни еру кўкка ишонмади, томчи шудринг каби авайлаб катта қилди. Ўсмир мактабнинг 8-синфини тугатди. Екатерина Николаевна ўғлини бирор-бир касб-ҳунарнинг этагидан тутар, деб ўйлади. Йўқ, ундай бўлмади. Болаликнинг орзулари осмонда осилганча қолиб кетди. Қисқаси, Владимир учун буларнинг ҳаммаси бир оддий чўпчакдек туюлар, онаизорининг ўгитлари, куюниб гапиришлари унга заррача ҳам таъсир қилмасди.

### БОШИ БЕРК КЎЧА

Владимир бу кўчага бир ўзи кириб борганди. Кўп ўтмай «дўст»лар, улфатлар орттирди. Уларнинг мақсадлари битта: меҳнатсиз, бел оғритмай, бош қотирмай пул топиш.

Владимир бора-бора уйдан узоқлаша бошлади. Онанинг панд-насиҳатларию, илтижолари кор қилмади. Ўша пайтда Екатерина Николаевна ёнида бир паноҳи — эри бўлмаганига армонлар қилди. Она қарадики, вақт ўтаяпти. Кўз ёш тўкиб, тунни тонгга улаб кутгани билан ўғли эшикдан кириб келармиди? Она қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан кенгашди. Ана шундай ҳаракатлар натижасида Владимир уйга қайтди. Она кўзларига ишонмади, қаршисида болалигидан онасига юпанч бўлган, улғайса унинг оғирини енгил қилишга ярайдиган «бўз йигит» эмас, балки кўзлари айёрлик билан ёниб турган «зўр йигит» турарди.

Шу зайлда ойларни қувиб, йиллар ўтди. Энди Екатерина Николаевна ўғлининг бошини иккита қилиб қўйиш тараддудига тушиб қолди. Афсус, онаизорнинг бу ниятларини ўғли рад этди. Устига-устак бир куни Владимир ўзига «ёққан» ёши анча катта бир аёлни етаклаб келди-да, у билан яшай бошлади. Она ўғлининг бу ишидан қаттиқ норози бўлди.

— Болам, — деди бир куни она. — Менинг ёшим ўтиб бораяпти, бирон жойга ишга кирсанг бўларди...

— Нима?! — онасига хўроздек бўйнини чўзди ўғил. — Хоҳласам мен ишламай пул топаман!

— Володя, сен энди ёш эмассан. Сен тенгилар...

Ўғил бу гал ҳам онасини гапиртирмади. «Тенгдошларимга ҳавас қилиб ўтиравер. Мен кетдим», — дея эшикни шароқлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Владимир шу кетганча қайтиб келмади. Екатерина Николаевнанинг қунғир сочлари қордек оқарди. «Наҳотки кўзимнинг оқу қораси мени тириклай гўрга тикса?! Ахир маҳалла-кўй олдида бош кўтариб юролмай қолдим-ку!»

Онанинг ташвишланганича бор эди. Владимир содир этган жиноий иши учун қамоққа олинганлиги тўғрисида хабар келди. 1983 йил 21 июнь куни В. Н. Сметанин Сергели туман судининг ҳукми билан 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Лекин, Владимир жазодан хулоса чиқармади. Натижада Қарши шаҳар суди, Кемерово вилоятининг Кузнецк туман суди томонидан ҳам жазога маҳкум этилди.

У ердан қайтган Владимирга инсоф бергандек бўлди. «Маҳкумликда озодликнинг, онанинг қадрига етдим, ишқилиб қамоқдан чиқсам, албатта, ишга кираман, онамни ўкситмайман», — дея бир аҳд туйди дилида ва Красногорск — Қизилтоғдаги кон бошқармаларидан бирида ишчи бўлиб ишлай бошлади. Меҳнатга яраша унга квартира ҳам ажратилди. Аммо, 5-6 йилдан кейин кон участкаларининг ёпилиши муносабати билан иш ўринлари сони қисқарди. Бўш қолган Владимир бошқа иш излаб ўтирмади.

### ТАШВИШ

Екатерина Николаевна ўғлининг ишсиз юрганлигидан ташвишланиб Красногорскда яшай бошлади. У Владимирни ишга киришга ундади.

— Иссиқ-совуғингга ўзим қарайман, — қўшиб қўйди она.

— Э-э, мен учун нега ташвиш чекасиз? Ахир ёш бола эмасман-ку, — норози оҳангда ғўлдиради ўғил.

— Кўзим тириклигида невара кўрсам дейман-да, — деди синиқ товушда она. — На хотининг, на бола-чақанг бор... Бу дунёдан кўзим очиқ кетмасин.

Владимир онаизорининг илтижоларини эшитишни ҳам истамади. Қўрслиги тутиб кўчага чиқиб кетди.

### ТОВУҚ ЎҒРИСИ КИМ?

Бу савол қўрғон аҳлини кейинги вақтларда қаттиқ ўйлантириб қўйган эди. Лекин, кўз билан кўриб, қўл билан ушламагандан кейин, жабрдийдалар бировдан гумон қила олишмасди.

Бу пайтлар Владимирнинг ошиғи олчи эди. У кечаси, тун ярмидан оққанида «ов»га чиқар, кўзлаган «манзили» фақат аҳолига тегишли товуқхоналар бўларди. Ўғрилик билан топган ҳаром пулларига кунини майхўрлик билан ўтказишга одатланган Владимир ўлим тўшагида ётган онасининг нафақасини ҳам ҳазм қилиб юборадиган бўлди. «Агар кампир ўлиб қолса, мен бу тайёр маблағ — нафақадан айрилиб қоламан-ку» — юраги орқасига тортиб кетди Владимирнинг. Кейин бирдан калласига келган фикрдан кўнгли равшан тортди: «Мабодо кампир бандаликни бажо келтирадиган бўлса... Яхшиси, буни сир тутмоқ, уни ҳеч ким билмайдиган жойга кўммоқ керак!», деган қарорга келди.

### ХУФЯ КЎМИЛГАН ЖАСАД

1998 йилнинг май ойи... Қизилтоғнинг қорли чўққилари баҳор қуёши қизара бошлаган кунларнинг бирида фоний дунё армонларини ҳорғин елкаларига ортганича онаизор ҳаётдан кўз юмди...

Владимир ўйланиб ўтирмади, тузиб қўйган режаси бўйича иш тутди. У белкуракни олиб болохона остидан онасига қабр қазиди ва унинг жасадини кийим-пийими билан кўмиб қўйди...

### РУҲЛАР ИСКАНЖАСИ

Мастликда донг қотган Владимирни уйқусида биров кучли зарб биланургандай бўлди. Ўрнидан турмоқчи эди, қандайдир куч уни яна жойига михлаб ташлади. Кўзларини очай деса қовоқларини кўтара олмади. Қуёш нури тўкилиб турган дераза ғира-шира оқариб турар, шамолдан очилганми кетма-кет деворга қарсиллаб уриларди. Очиқ деразадан онасига ўхшаш нуроний бир аёл шарпаси ичкарига интиларди.

Владимир алаҳсирай-алаҳсирай анчадан кейин кўзини очди. Ё раб, оппоқ узун кўйлакда онаси турибди! Владимир бошини чойшабга ўраб олди. «Мен сендан хабар олишга келдим, ўғлим, сен бундай ётма, одамлар сафига қўшил...» Владимирнинг қулоқлари остида шу сўз янгради.

Борлиқни қоронғулик қоплаганида, одатдагидек сайрга отланган Владимир тўсатдан остонага қоқилди-ю юзтубан йиқилиб тушди. Ажабланди, йиқилишига бирон сабаб, қоқиладиган нарса йўқ эди-ку. У бошини ердан кўтарган ҳам эдики, олдида яна ўша, оппоқ узун кўйлакда онаси пайдо бўлди. «Марҳумларнинг жойи қабристонда бўлади, болам, сен қазиган гўр менга торлик қилаяпти... Охиратим обод бўлсин десанг менинг айтганларимни қил! Акс ҳолда мендан ҳам баттар аҳволга тушасан, ёруғ дунёдан кўзларинг очиқ кетади, ҳа-ҳа, очиқ кетади!»

### СИРЛИ ЎҒРИ КИМ?

Узоқ муддат бу саволга жавоб топа олмаган Қизилтоғ қўрғони фуқаролари охири оёққа туришди. Қўрғон прокуратурасига мурожаат қилишди. Прокуратурада ўтказилган «Очиқ эшиклар куни», айниқса, жиноятнинг очилишига, айбдорнинг аниқланишига катта ёрдам берди. Жабрдийдаларнинг аксарияти — пенсионерлар эди. Прокуратура ходимларининг халқ билан бирга олиб борган ишлари ўз натижасини берди. Сирли ўғри — қўрғоннинг Мустақиллик кўчаси, 69-уй, 2-хонадонида яшовчи Владимир Николаевич Сметанин эканлиги аниқланди ва кўрсатмалар, далиллар ўз исботини топди. Шунингдек, марҳума онаси ҳаётлигида берган ишонч қоғозидан фойдаланиб, икки йил давомида Сергели туман ижтимоий таъминот бўлимига 118 минг 347 сўм зарар келтирди.

### ОХИРГИ СЎЗ

— Менинг келажагим йўқ, — деди тергов давомида айбдор. — Чунки, унинг илдизига қачонлардир болта урганман... Яна... ўз онамни Тангри карам этган охират маконига эмас, ўзим яшаб турган уйнинг тагига кўмганман... Мана шу қўлларим билан!!, — Володя қўлларини мушт қилиб пешонасига урди. — Сизга ёлғон, менга чин, онамнинг арвоҳлари мени тинч қўймаяпти... Майли, менга неча йиллик жазо берилса розиман. Сизлардан илтимос, фақат онамни қабристонга кўчиришга ёрдам беринглар.

Бу 9 йиллик жазо муддатига ҳукм қилинган Владимир Сметаниннинг охирги сўзлари эди.

... Эгасиз уй. Вино шишалари тўлиб кетган болохона тагидаги дўппайган тупроқ ҳуқуқ-тартибот органлари, судмедэкспертиза ходимлари иштирокида кавлаб кўрилганида кўмилган жасад ҳақиқатдан ҳам 60-дан ошган аёл кишининг суяклари эканлиги аниқланди...

***Собиржон МАТИБРАГИМОВ, Ангрен шаҳар суди судьяси. Мунаввара ИСОҚУЛОВА.***

*Шеърият*

## ВАТАН — АЗИЗ ВОЛИДАМ

*Мурғак чоғим бешикдан,*
*Бўйингга тикилардим.*
*Юкунсам онамга-ю,*
*Мен сенга юкунардим.*

*Энди эса юрагимга,*
*Жойлаб бутун жозибанг,*
*Шеърларимга тўкаяпман,*
*Ватан — азиз волидам!*

*Қанча хизмат қилсам оздир,*
*Сенга, буюк элимга.*
*Муносибсан эй, азизим,*
*Тўккан манглай теримга.*

## ЯХШИЛИК ЕТГАНДА

*Бу дунё ҳикматдир, боқиб фикр қил,*
*Яхшилик етганда минг бор шукр қил.*
*Олам сарварини ҳар он зикр қил,*
*Инсонни тани, сен инсонни тани.*

*Беш кунлик дунёда нимани топдинг?*
*Қайларга шошилдинг, қайларга чопдинг?*
*Орқалаб кетмайсан тўлдирган қопинг,*
*Инсонни тани, сен инсонни тани.*

*Шайтон йўл кўрсатса адашиб кетма,*
*Юртингни ётларга алмашиб кетма,*
*Ғофилга қўшилиб беиймон ўтма,*
*Инсонни тани, сен инсонни тани.*

***Гулноза ТУРГУНБОЕВА, Паркент.***

*Ўзингизни синанг*

# ЧАРХИМ ТАНОБ ТАШЛАЙДИ...

**ЭНИГА**: 1. Балиқхўр тунги қуш. 4. Олди очиқ эркаклар кўйлаги. 7. Иссиқ ва қуруқ шамол. 10. Мусиқа асбобларидан бир оҳангда чиқадиган қисқа садолар. 12. Сувнинг иситилгандаги газ ҳолати. 13. Урал дарёсининг ирмоғи. 14. Паразит ҳашарот. 15. Бош кийимига тақиладиган зийнат буюми. 16. Асарнинг ҳар бир алоҳида қисми, фасли. 21. Хитойдаги Ғулжа шаҳрининг иккинчи номи. 22. Атрофи сув билан ўралган қуруқлик. 23. Туркиянинг жанубидаги порт шаҳар. 27. Сувда юрадиган муз тоғ. 30. Совуқ уриб, очилмай қолган кўсак. 31. АҚШдаги кўл. 32. Ерни текислаш ва зичлашда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби. 34. Сўз таркибидаги товушлардан бирининг бошқаларга нисбатан кучлироқ айтилиши. 35. Мамлакат, ўлка. 39. «Оғир»нинг тескариси. 40. Осмон объектларининг фотосуратини оладиган телескоп. 41. Ён, томон. 44. Қурти юнгли матоларни нобуд қилувчи кичкина капалак. 46. Польшадаги давлат ҳокимияти олий органи. 47. Қозоғистондаги шўр кўл. 48. Мусиқада муайян баландликка эга товуш. 51. Ер қитъалари орасидаги бепоён сув ҳавзаси. 54. Африкадаги давлат пойтахти. 56. Қўрқмас, ботир. 58. Суяк ичидаги ёғсимон модда. 59. Дилдаги эзгу истак, умид. 61. «Бошсиз чавандоз» романи муаллифи. 62. Узун қалин баргли хушманзара ўсимлик. 63. Эртаклардаги шохли, бениҳоят улкан махлуқ. 64. VIII–X асрларда Хазар хоқонлигининг пойтахти. 65. Чехияда ишлаб чиқарилган мотоцикл русуми. 70. Чархнинг ип ўралиб борадиган қисми. 71. Миқдорни англатувчи сўз туркуми. 72. Шимолий қутб. 73. Тўйларда кишиларга тақдим этиладиган бош оёқ кийим. 74. Қитъа.

**БЎЙИГА**: 1. Ичакка қийма, гўшт тиқиб тайёрланган маҳсулот. 2. АҚШнинг 41-президенти. 3. Юракдан тананинг барча органларига қон тарқатувчи томир. 4. Эрондаги ўрта аср миниатюраси маркази ҳисобланган шаҳар. 5. Ғалла ўсимлиги. 6. Лаос пул бирлиги. 7. Ғарбий Африкада яшовчи энг йирик одамсимон маймун. 8. Дуккакли ўсимлик. 9. Львов шаҳрининг 1772 – 1918 йиллардаги расмий номи. 17. «Қўрққанни... қувлар» (мақол). 18. Тоғда ўсадиган тиканли бута. 19. Қон айланиш тизимидаги марказий аъзо. 20. Ўзини ҳаммадан юқори ҳис этиш. 24. Бадандаги туғма қизғиш доғ. 25. Ўрта Осиёдаги тарихий вилоят. 26. Юнон олими, математика, география асосчиси. 28. Кўз ёши тўкиб, инграш. 29. Германиядаги дарё. 31. Шарқий Сибирда яшовчи халқ. 33. Ҳиндистондаги штат. 34. Титилиб кетган эски пахта. 36. Шиддатли бўрон. 37. Пахта толасидан мато. 38. Кичик ресторан. 42. Жанубий Америкадаги давлат. 43. Ўзбек автомобили. 45. Биялар тўдаси. 49. Волга дарёсининг энг йирик ўнг ирмоғи. 50. «... билан ойни ёпиб бўлмайди» (қўшиқдан). 51. Йироқ, узоқ. 52. Тарихда «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи билан машҳур сиёсий арбоб. 53. Фанга «радиоактивлик» атамасини киритган француз олими. 54. Шимолий Американинг жануби-шарқидаги ярим орол. 55. Кўпиксимон қуюқ оқ ширинлик. 56. Йирик ва тоза инжу. 57. Бировга ёқиш учун қилинган нозли ҳаракат. 60. Касал, хаста, 66. Шоҳмот ўйинида шоҳнинг ютқизиқ ҳолати. 67. Бирор нарсанинг кўзгуда кўринган тасвири. 68. Ҳасса. 69. Ўлимга маҳкумни осиб ўлдиришга мўлжалланган қурилма.



***Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ, ЎзМУ талабаси.***

*Ранг-баранг олам*

# «БИТЛЗ»: ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ

***Топилган ушбу тўртта қўшиқ машҳур «Битлз» гуруҳининг мухлисларига ёқиб тушди, деб бўлармикин? Негаки, бу қўшиқлар уларнинг ўзлари истамаган тарзда бизга етиб келгани ажабланарли.***

«Битлз»нинг кўп қўшиқлари уларнинг ҳеч бир альбомига кирмай қолганлиги ҳақида миш-мишлар юрарди. Бугун биз уларни тинглаш имконига эгамиз. 1967 йилда хонанда Пол Маккартни вафот этиб, унинг ўрнига қўшиқларни бошқа одам ижро этган, деган тахминлар мавжуд. Қўшиқларни тингласангиз ҳақиқатан ҳам ижро Полники эмасдек туюлади. Лекин ҳамма гап шундаки, у ангина билан оғриб, овози ўзгарган, турли нохушликлар олдини олишга интилган гуруҳ бу қўшиқларни ҳеч ким эшитишини истамаган, ишқибозлар ҳукмига ҳавола этишмаган.

Лекин айтишади-ку: «Яхши қўшиқ қирқ йилдан кейин ҳам юзага чиқади». Чунки у ҳам ҳақиқат кабидир.

***М. ЮСУПОВА тайёрлади.***

*Об-ҳаво*

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 17-21 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг бошларида ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Айрим ҳудудларда туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечалари 2-7 даража совуқ, кундуз кунлари эса 0-5 даража атрофида илиқ бўлади.

Шу даврнинг охирига бориб кечалари 4 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундуз кунлари эса 2-7 даража илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «ФАРМОД–АВТОТЕХХИЗМАТ» шўъба корхонаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Биллур кўчаси 54-уйда қабул қилинади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Тўйчиев Маъмиржон Қурбоновичга онаси

**Қорақиз ая ТЎЙЧИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Чирчиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи уста мураббийси, вилоят мураббийлар кенгаши аъзоси

**Ўсар Содиқович СОДИҚОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6